


Президент Фармони билан Қорақалпоғистонлик бир гуруҳ шахслар афв этилди

Инсон ҳаётда билиб билмай хатога йўл қуиши мумкин агар улар қилган қилмишларини тан олиб астойдил пушаймон бўлса кечиримлидир, шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноят йўлига адашиб кирган ва содир этган қилмишидан чин кўнгилдан афсусланган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 майдаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги ПФ-5498-сонли Фармони билан оиласи бағрига қайтарилди.



Фармонга мувофиқ, Конституциянинг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 258 фуқаро афв этилди, шундан, Қорақалпоғистон Республикасидан 10 нафарини ташкил қилади.



Улардан аф этилган шахсларнинг 1 нафари асосий жазодан озод этилди ҳамда 4 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, 5 нафари эса тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари иккidan бир қисмига қисқартирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ахборот хизмати